# Қуролли Кучлар: воқеалар ва фактлар

**Қуролли Кучларимиз учун 2003 йил ҳам воқеалар ва фактларга бой бўлди. Ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар муваффақиятли давом эттирилмоқда. Хизматнинг янги тури — сафарбарлик чақируви резервидаги хизмат ҳаётга татбиқ этилди. Келинг, 2003 йил Қуролли Кучларимиз ҳаётида қандай воқеалар юз берганига бир назар ташлайлик.**

### ЯНВАРЬ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳарбийларимизга 14 январь—Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги йўллади.

Президентимиз Фармонига кўра, Қуролли Кучларимизнинг бир гуруҳ вакиллари Ватаннинг олий мукофотлари билан тақдирландилар.

### ФЕВРАЛЬ

Президентимиз Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» китоби ўқувчилар қўлига бориб тегди. Барча қисм ва бўлинмаларда ушбу китобни ўқиб-ўрганиш йўлга қўйилди.

### МАРТ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари раҳбариятининг кенгашида Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони И. А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлис IX ва X сессиясидаги Қуролли Кучларимизни ислоҳ этиш борасидаги талабларидан келиб чиқадиган вазифалар хусусидаги масалалар муҳокама этилди.

Ҳокимиятлар, ҳарбий бошқарув органлари, ҳарбий округлар ва ҳарбий қисмларда муддатли хизмат муддатини бир йил қилиш ва сафарбарлик чақируви резервидаги хизматни ташкил этиш борасида тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди.

### АПРЕЛЬ

«Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Марказий Осиё минтақасида «Мерган—2003» халқаро машқлари ўтказилди. Унда тўққизта мамлакат вакиллари иштирок этишди.

НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» дастури доирасида фавқулодда вазиятларга қарши ҳаракат бўйича халқаро «Фарғона—2003» машқлари бўлиб ўтди.

### МАЙ

Ёш офицерлар йиғини ўтказилди.

### ИЮНЬ

Ўзбекистон ва Америка авиаторлари ҳамкорликда машқ ўтказишди. Унда тунда қутқарув ишларини амалга ошириш жараёни ўрганилди.

Арманистонда ўтказилган «Кооператив Бэст Эфферт—2003» халқаро машқларида ўзбекистонлик вакиллар ҳам иштирок этишди.

Барча ҳарбий билим юртларида битирув тантаналари бўлиб ўтди.

### ИЮЛЬ

Сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга жалб этилган фуқароларнинг ойлик йиғинлари бошланди.

Сержантлар тайёрлаш мактабларида битирув тантаналари бўлиб ўтди.

### АВГУСТ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра, Мустақилликнинг 12 йиллиги олдидан бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар юксак давлат мукофотлари билан тақдирланишди.

Марказий ва Тошкент ҳарбий округларида халқаро террорчилар ва экстремистларни бартараф этишда барча қуролли тузилмаларнинг биргаликдаги ўзаро ҳаракатларини акс эттирган ўқув машғулотлари бўлиб ўтди.

### СЕНТЯБРЬ

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округида тезкор-тактик ўқув машғулотлари ниҳоясига етди. Унда иштирок этишган ҳарбий хизматчилар юксак жанговар кўникмаларини намоён этишиб, тоғ шароитида жанговар ҳаракатларни олиб бориш ва ташкиллаштириш бўйича тажриба тўплашди.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари полигонида ҳарбий учувчиларнинг ўқув машғулотлари бўлиб ўтди. Вертолёт ва самолётлар экипажлари барча жанговар-ўқув вазифаларни «яхши» ва «аъло» баҳоларга топширишиб, юксак билимга эга эканликларини кўрсатишди.

### ОКТЯБРЬ

2002—2003 ўқув йили бўйича якуний синовлар ниҳоясига етди. Унинг натижаларига кўра, Қуруқликдаги қўшинлар бўйича полковник И. Илёсов, Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари бўйича майор М. Жанабоев командирлик қилаётган қисм, олий ҳарбий ўқув юртлари ўртасида Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти мусобақа ғолиби, деб топилди.

### НОЯБРЬ

Қуролли Кучларимиз қисм ва бўлинмаларида янги ўқув йили ва Қуролли Кучларнинг 12 йиллигига тайёргарлик бошланди.

Муддатли ҳарбий хизматга чақирувнинг танлов асосида ташкил қилинганлиги боис қисм ва бўлинмалар ҳар томонлама баркамол ўғлонлар ҳисобига бутланди. Армияда хизмат ёшлар учун фахрли ва нуфузли ишга айланди.

### ДЕКАБРЬ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида «Ватанга садоқат, касбий маҳоратни такомиллаштириш, мустаҳкам ҳарбий интизом, техника ва қурол-яроғларнинг жанговар қўллашга доимо тайёрлиги — қўшинлар юксак жанговар шайлиги ва жанговар қобилиятининг гаровидир» шиори остида янги ўқув йили бошланди.

● ОММАВИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ТАДБИРЛАРИ ОЙЛИГИ

# Ҳарбий қисм ҳамкорликда ишлайди

Анъанага айланиб қолган Оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлигида бизнинг ҳарбий қисмда ҳам турли қизиқарли тадбирлар ўтказилди. Ушбу тадбирлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Нуроний» жамғармаси, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, ўқув юртлари, маҳаллалар билан ўзаро ҳамкорликда ташкил қилинди.

Бўлиб ўтган «Ҳарбий кўпкураш» спорт мусобақаси ҳам ана шундай ҳамкорликнинг маҳсулидир. Мусобақа ғолибларига «Камолот» ЁИҲ, «Нуроний» жамғармасининг мукофотлари топширилди.

Бундан ташқари, ҳарбий қисм шахсий таркиби билан Президент Ислом Каримовнинг «Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» номли рисоласи ҳамда Олий Мажлис сессияларида қилган маърузалари ўрганиб чиқилди. Шахсий таркибнинг хизматдан бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари ҳамда тартиб-интизомни янада мустаҳкамлаш мақсадида «Энг яхши взвод», «Энг яхши гуруҳ», «Энг яхши секция», «Энг яхши аскар» ва бошқа оммавий спорт мусобақалари ташкил этилган.

Ҳарбий қисмда қўшни маҳаллалар фаоллари кўмагида ёшлар билан «Уз уйимизни ўзимиз асраймиз», «Тинчлик ва осойишталик учун курашмоқ керак», «Ватан — саждагоҳ каби муқаддас», «Ватанни севмоқ—иймондандир» мавзуларида давра суҳбатлари уюштирилди.

2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши муносабати билан ҳарбий қисмда ишчи комиссияси тузилди. Бу комиссия атроф маҳаллаларда яшовчи боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам беришни йўлга қўйди.

Қуролли Кучларимизнинг қутлуғ 12 йиллик байрами муносабати билан ҳарбий қисмда ўтказилган тантанага бир гуруҳ фахрийлар, гимназия ўқувчилари, вилоят «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари ташриф буюрдилар. Тантанада полковник О. Умрасулов, Навоий ҳарбий суди раиси адлия майори Б. Яҳёевнинг маърузалари тингланди. Тадбир барча йиғилганларда яхши таассуротлар қолдирди.

**Майор М. АШИРОВ,**
**Навоий гарнизони.**

# АКТЁРЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Юртимизда ўтказилиб келинаётган анъанавий Оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлиги йил сайин серқамров тус олаётгани аён. Бунда давлат ва жамоат ташкилотларининг фаоллашуви ҳам муҳим аҳамиятга эга. Зеро, Ватанга меҳр-муҳаббат ҳисси билан йўғрилган, она замин ҳимояси шарафли бурч ва унинг ҳар қаричи муқаддаслигини англатувчи, посбонларимизни доимо сергак ва ҳушёр бўлишга даъват этувчи шиорлар остида ўтувчи тадбирлар, долзарб мавзудаги баҳс ва мунозараларга бой семинарлар, юртимизнинг машҳур ёзувчилари-ю шоирлари, эл назарига тушган санъаткорлар ҳамда ижодий жамоалар иштирокидаги қизиқарли учрашув ва кечаларни уюштиришдан асосий мақсад халқ билан армияни янада жипслаштириш, яъни якдилликни шакллантиришдир. Қолаверса, ушбу тадбир иштирокчилари нафақат маънавий озуқа олиб, билим даражаси ва дунёқараши кенгаяди, балки кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаради ҳам. Бу эса жуда муҳимдир. Яхши дам олган, юқори чўққиларни забт этишга отланган посбон янада кучга тўлади ва хизматни ўташга янгича ғайрат, шижоат билан киришади. Асосийси, олинган маънавий куч мураккаб ҳаёт йўлида учраб турувчи тўсиқлар, ҳар хил қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтишга, улар олдида бош эгмасликка, ким ва нима учун хизмат қилаётганини яхши англаб етган ҳолда астойдил, виждонан хизмат қилишга чорлайди.

Ҳарбий соҳа вакиллари орасида санъат ихлосмандлари, хусусан кино санъати шайдолари кам бўлмаса керак. Улар учун жойларда уюштирилган янги фильмлар томошалари айни муддаодир. Масалан, подполковник Равшан Мирзақулов раҳбарлигидаги Чирчиқ гарнизони Офицерлар уйида «Ёдгор» бадиий фильми намойиш этилди. Дарвоқе, Ғафур Ғуломнинг шу номли қиссаси асосида ишланган бу фильм ёш режиссёр Ҳилол Насимовнинг илк мустақил ишидир. Сеанс бошланишидан аввал, Ўзбекистон киноарбоблар бирлашмаси раисининг биринчи ўринбосари Турди Нодиров бошчилигида қисмга ташриф буюрган «Ўзбеккино» ижодий жамоаси ва актёрлари билан учрашув бўлиб ўтди. Фильмда бош ролларни ижро этган Алишер Ҳамроев, Раъно Зокирова, Камола Умархўжаева каби актёрларнинг ташрифи учрашувнинг янада жонли ва қизиқарли ўтишини таъминлади. Севимли санъаткорлари билан бевосита мулоқотда бўлишдан олинган завқ йиғилганларнинг юзида акс этиб турди.

Алишер Навоий номли санъат саройида эса «Дев билан Пакана» кинокомедияси Тошкент ҳарбий округи ҳарбийлари учун тақдим этилди. Юқорида айтиб ўтилганидек, сўнгги пайтларда ўзбек кино санъати намояндалари томонидан ишланган фильмлар тақдимотидан олдин фильм ижодкорлари билан учрашувлар ўтказиш анъана тусини олмоқда. Бу, албатта, санъаткорларни халқ билан, томошабин билан яқинлаштирувчи қувонарли ҳолдир. Бош ролларни юртимизнинг машҳур сўз устаси, қизиқчи Обид Асомов ва Нодир Сайдуллаевлар ижро этишган. Санъат саройига йиғилган томошабинларнинг намойиш давомида мазза қилиб кулишидан, хурсандчилигидан чуқур мамнуният сезилиб турди.

Юқоридаги каби учрашув, фильмлар намойишлари ҳеч бир томошабинни бефарқ қолдирмагани аниқ.

**Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆ 56-54-76 ◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ

РАЗМЕСТИТЕ
Свою рекламу
или объявление
в газете
«Ватанпарвар»
с 7.00
до 18.00
АДРЕС: УЛ. КУНАЕВА, 21
ТЕЛ.: 56-54-76
(ориентир отель «Гранд Мир», бывшая гостиница «Россия»)

### КУПЛЮ

● Значки, марки, открытки, монеты, часы. Т.: 68-49-19.

● Холод., шв. маш., ТВ, в/маг., газ. пл., БК, велосипед, ст. маш. «Киргизия», раб. и нераб. Т.: 74-95-15, 75-59-73.

### РАЗНОЕ

● ЧФ «Истиклол адир савдо» ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по адресу: Ташкентская обл., Юкори-Чирчикский р-н, курган Янгибазар, ул. А. Тукая, 1.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2004 йил 13 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/**

| | |
|---|---|
| 1 АҚШ доллари | 981.22; |
| 1 евро | 1259,89. |

***/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

● БОКС

## БОКСЧИЛАРИМИЗ ҒАЛАБАСИ

12 январь куни Филиппиннинг Пуэрто-Принцесса шаҳрида бокс бўйича Осиё чемпионати бошланди. Унда қитъамизнинг йигирма бешта давлатидан келган 173 нафар чарм қўлқоп устаси ғолиблик учун курашмоқда. Эътиборли томони — Осиё чемпионати Афинага йўлланма берадиган 2004 йилдаги учта йирик мусобақанинг дастлабкисидир.

Қитъанинг энг нуфузли мусобақаси бош мураббий Шароф Худойбердиев раҳбарлигидаги ўн нафар боксчидан таркиб топган Ўзбекистон терма жамоаси учун омадли бошланди. Чемпионатнинг биринчи куни рингга чиққан учта боксчимиз — Отабек Мамажонов, Дилшод Маҳмудов ва Нодир Ғуломов кейинги босқичга чиқди.

Ўзбекистон бокс федерациясидан маълум қилишларича, иккинчи кунги беллашувларда беш ҳамюртимиз рингга кўтарилган. Умидли боксчилардан Тўлаш Дониёров, Беҳзод Хидиров ва Шерзод Ҳусанов биринчи босқичдаги рақибларини мағлубиятга учратди.

Мусобақанинг учинчи кунида Отабек Мамажонов, Дилшод Маҳмудов, Нодир Ғуломов, Игорь Алборов, Баҳодир Султонов ва Сидней Олимпиадаси совриндори Рустам Саидов рингга чиқади.

● ФУТБОЛ

## «ПАХТАКОР» МАВСУМНИ ҒАЛАБА БИЛАН БОШЛАДИ

2004 йилги мавсум — футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати ғолиби ва мамлакат кубоги соҳиби Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси учун жуда масъулиятли давр.

«Пахтакор» футболчилари мавсум оралиғидаги навбатдаги ўқув-машғулот йиғинини Бирлашган Араб Амирликларида (БАА) ўтказди. МДҲ чемпионлари кубоги мусобақасига жиддий тайёрланаётган пахтакорчилар БААда учта синов учрашувида майдонга тушди.

Маълумотларга қараганда, ўзбекистонликлар биринчи учрашувда «Ростельхэм» клуби билан 2:2 ҳисобида дуранг ўйнаган. Ушбу баҳсда рақиб дарвозасига голларни яқинда БААда ўтказилган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида терма жамоамиз шарафини ҳимоя қилган Баҳриддин Ваҳобов ҳамда Элдор Магдеев киритди.

Мезбонларнинг «Ажман спорт клуб» жамоаси билан ташкил этилган иккинчи ўйинда ҳамюртларимизнинг қўли баланд келди — 1:0. «Пахтакор»га ғалаба келтирган ягона голга Сервер Жепаров муаллифлик қилди.

Учинчи назорат беллашувида пахтакорчилар анча жиддий рақиб — Россия премьер лигаси вакили «Ростов» билан куч синашди. Учрашувда ҳужумкор ўйин кўрсатган пахтакорчилар Зайниддин Тожиев, Леонид Кошелев, Сервер Жепаров ва Асрор Алиқулов томонидан киритилган голлар эвазига йирик ҳисобда зафар қучди — 4:1.

«Пахтакор» МДҲ чемпионлари кубогидаги биринчи учрашувини 17 январь куни Тожикистон чемпионати ғолиби «Регар-ТадАЗ» жамоасига қарши ўтказади. Бундан ташқари «А» гуруҳининг яна икки вакили — «ЦСКА» (Россия) ва «Гомель» (Беларусь) билан ҳам куч синашади.

Эслатиб ўтамиз, ўн иккинчи маротаба ташкил этилаётган ушбу мусобақада ўзбекистонликлар бир марта финалга чиққан. 1994 йилги МДҲ чемпионлари кубогида Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси мезбонлар вакили — «Спартак»ка қарши кечган баҳсда имкониятни бой бериб, кумуш медаль билан кифояланган. 2001 йилги турнирда эса Москванинг «Спартак» жамоаси шарафини ҳимоя қилган моҳир ҳужумчимиз Жаъфар Ирисметов мусобақа ғолиби ва тўпурари бўлган. (ЎзА).

● ТЕЛЕАНОНС

## «ВАТАНИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН»

**25 января в 10 часов** по первому каналу Узбекского телевидения смотрите очередной выпуск военно-патриотической передачи «Ватанимга хизмат киламан», подготовленный Военной студией Министерства обороны Республики Узбекистан.

В этой передаче тележурналисты Военной студии расскажут о боевой учебе воинов-узбекистанцев в зимнем периоде обучения. Вы также увидите телеочерки о награжденных в честь Дня защитников Родины и лучших специалистах Вооруженных Сил, определившихся в ходе конкурса накануне Дня защитников Родины.

Повтор этого выпуска смотрите во вторник, 27 января, в 16.55.

**Наш корр.**

### ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД, ОПУБЛИКОВАННЫЙ В № 3

**ПО КОНТУРУ ЗВЕЗДЫ:** 1. Яблочко. 2. Обстрел. 3. Легионер. 4. Резервист. 5. Талант. 6. Трезвон. 7. Надзор. 8. Ранжир. 9. Реплика. 10. Актриса. 11. Армия.

**ПО ГОРИЗОНТАЛИ:** 14. Код. 16. Мамлюк. 17. Конник. 19. Крик. 20. Каре. 21. Казнокрад. 24. Аверс. 25. Балка. 29. Глушитель. 30. Хронометр. 32. Тавро. 35. Комод. 36. Карабинер. 37. Пулемет. 38. Торока. 39. Аркада. 40. Мир.

**ПО ВЕРТИКАЛИ:** 12. Военкомат. 13. Лампас. 15. Граната. 18. Оазис. 19. Короб. 21. Крестовик. 22. Дальномер. 23. Самшит. 26. Армада. 27. Ель. 28. Ять. 31. Бомбардир. 32. Такелаж. 33. Обрат. 34. Конек. 35. Атташе.

## КРОССВОРД



**ПО ГОРИЗОНТАЛИ:** 3. Богемный район Парижа. 7. Течет по проводам. 10. Английская мера длины. 11. Грузовой самолет. 12. И красный, и живой. 13. Наплыв на дереве. 15. Река, впадающая в другую реку. 16. Немецкий композитор. 17. Стальной канат. 20. Исчисление предстоящих расходов и доходов. 22. Чувство меры. 23. Смесь биосферы с литосферой. 24. Доля, норма чего-нибудь допускаемого (спец.). 25. Строительный материал. 28. Навес. 31. Возлюбленная в народной поэзии. 32. «Орать во все...». 33. Время года. 37. Непоседа. 38. Домашний табачок. 39. Брутто минус тара. 40. Развлечение для сплетников. 41. Раздолье. 44. Предварительный образец, модель. 45. Отец Икара. 46. Синус дополнительного угла в тригонометрии.

**ПО ВЕРТИКАЛИ:** 1. Знак оплаты почтовых сборов. 2. Шляпа мексиканца. 4. Младшая сестра блина. 5. Месяц года. 6. Узорчатый орнамент из геометрических фигур. 8. Паровозная сирена. 9. Украинская народная пляска. 13. Заговор (устар.). 14. Соткана в углу. 18. Радуга для ученого. 19. Прибор для определения качества яиц. 21. Неуклюжий, неповоротливый в движениях человек (разг.). 22. Ведомость об успеваемости ученика. 26. Немецкое авто. 27. Душистая вода. 29. Бриллиант. 30. И Ньютон, и Бабель. 34. Бывает у пламени. 35. Тот, кто склонен к некритическому мышлению. 36. Спортивное супердостижение. 42. Крупное соединение военно-морских судов. 43. Спасательная геометрическая фигура.

**Составила З. ИСАКОВА.**

# АСТРОЛОГИЧЕСКИЙ ПРОГНОЗ

**ОВЕН.** Не стоит привлекать к себе слишком много внимания окружающих. Время само все расставит по своим местам. Хорошо пройдут важные переговоры и деловые встречи. Неделя довольно удачна в плане решения проблем — к текущим вопросам вы легко найдете верные ответы.

**ТЕЛЕЦ.** Возрастет ваш творческий потенциал, и вы можете получить многообещающее предложение. Шанс упускать не следует, но будьте внимательны в разговоре, вы будете склонны наобещать больше, нежели вы в состоянии выполнить. Наиболее прямой путь совершенно не обязательно лучший, рассмотрите все варианты.

**БЛИЗНЕЦЫ.** Наступило особо удачное время для реализации ваших деловых идей, ваш престиж и репутация полностью в ваших руках. Лучше всего сосредоточиться на долгосрочных планах. Вы можете смело смотреть в будущее.

**РАК.** Ваши успехи и популярность вызывают восхищение и зависть недоброжелателей. Вероятна командировка или дальняя поездка. Постарайтесь довериться голосу интуиции, так вы с большей вероятностью избежите ошибок. Не стоит расстраиваться из-за чьей-то пустой болтовни.

**ЛЕВ.** Окружающие будут прислушиваться к вашему мнению, не упустите возможность повлиять на ситуацию. Используйте только проверенные методы, нововведения подождут. Будет нелишне следовать советам старших, не стесняйтесь обращаться к ним за помощью. Нужно проявить скромность — не рассказывайте направо и налево о своих достижениях.

**ДЕВА.** Вам захочется найти новых деловых партнеров, ярко проявить себя на работе. Способность замечать мельчайшие детали импонирует вашему начальству, и только лень будет мешать вам в развитии карьеры, так что стоит вовремя взять себя в руки. У вас появится возможность завести полезные связи, которые очень пригодятся в ближайшем будущем.

**ВЕСЫ.** Приготовьтесь принимать заслуженные комплименты, коллеги по работе будут всячески помогать осуществлению ваших планов. Первая половина этой недели может принести позитивные результаты, связанные с любимой работой. Постарайтесь не сидеть дома, выбирайтесь в настоящее светское общество.

**СКОРПИОН.** Наступила благоприятная неделя для яркого творческого свершения. Вас посетит озарение, ваша задача — не проспать его визит. Вас ожидает удача в делах и новые партнеры по бизнесу. Вам следует сдержаться, когда появится жгучее желание оценить поступки других людей и громогласно их прокомментировать.

**СТРЕЛЕЦ.** Вами заинтересуется начальство, поэтому будьте предельно внимательны при выполнении служебных обязанностей. Вас ждет множество встреч, благодаря которым вы сможете получить неожиданную, а главное, очень ценную для себя информацию.

**КОЗЕРОГ.** Ваша инициатива и энергичные устремления могут получить неожиданные пути реализации. Старайтесь не переутомляться, эта неделя не особенно важна для работы. Неделя может принести крупный коммерческий успех при трезвом и деловом подходе, однако результаты проявятся не сразу.

**ВОДОЛЕЙ.** Вы при желании можете начать новый этап своего развития, поэтому смело можно браться за новые дела. Ваша инициатива может приобрести вполне материальные очертания. Не волнуйтесь, удача сейчас на вашей стороне. На горизонте вашей жизни может появиться человек, с которым бы вы не хотели встречаться еще раз, но именно от него придет помощь, в которой вы так нуждаетесь.

**РЫБЫ.** Не стоит суетиться и бегать как белка в колесе и все по кругу. Не стоит браться за все дела одновременно, вы рискуете наступить на знакомые грабли. Лучше всего спокойно заняться своими личными делами. Возможно, вам понадобится помощь коллег по работе — не отвергайте ее, и примите с благодарностью.

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги раҳбарияти ва шахсий таркиби Сурхондарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи полковник**

**ЕРМАТОВ**

**Абдурашид Абдураматовичнинг авиаҳалокат туфайли фожиали вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.**

Бош муҳаррир
полковник
Ирисмуҳаммад
АБДУҚАРИМОВ

Газета сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

АЛОҚА ТЕЛЕФОНЛАРИ:
Обуна бўлими — 56-03-46.
Маълумот, реклама — 56-54-76.
Факс (3712) — 56-07-80.

Таҳририят манзили: 700031, Тошкент шаҳри, Д. Қўнаев кўчаси, 21-уй.

Реклама ва эълонларнинг ҳаққонийлиги учун реклама берувчи жавобгар ҳисобланади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

«Ватанпарвар» газетаси босмахонасида чоп этилди.

Буюртма № 011.